

ОФИЦЕРНИНГ ПЕДАГОГИК МУЛОҚОТ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСЛУБИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7859254>

Мирахмедов Мирзатилла Суннатович

Ўзбекистон республикаси қуроли кучлари

Академияси кафедра катта ўқитувчиси

E-mail:miraxmedov@inbox.uz

Тел: +998974776919

Аннотация.

Ушбу мақолада офицернинг педагог мулоқоти ва таълим-тарбия жараёнидаги профессионал мулоқоти унинг ривожлантириш жараёни, шартлари ҳақидаги масалалар ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар.

офицер, бошлиқ, командир, ўқитувчи, инструктор, мураббий, таълим, ахборот, коммуникатив.

Педагогик мулоқот офицернинг педагог сифатида ўз бўйсунувчилари билан таълим, тарбия, ривожлантириш мақсадларига қаратилган касбий мулоқотидир. Бу офицер (бошлиқ, командир, ўқитувчи, инструктор, мураббий)нинг ва бўйсунувчининг таълим-тарбия жараёнидаги профессионал мулоқоти бўлиб, унда ўзаро ахборот алмашинади ва бўйсунувчиларга ўқув-тарбиявий таъсир ўтказилади. Педагогик таъсирнинг самарали кечиши учун ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган икки ёқлама мулоқот юзага келиши лозим.

Педагогик мулоқот мураккаб ходисадир. Офицер педагогик мулоқотга киришишдан олдин қуйидагиларни аниқлаб олиши (мулоқотни моделашриши) лозим:

- мулоқот мавзуси;
- мулоқот ўтказишдан мақсад;
- мулоқот вақти;
- мулоқот жойи;
- мулоқот объектининг индивидуал хусусиятлари (ёши, жинси, билими даражаси, хизмат мавқеи, хизмат ва ҳаётий тажрибаси ва б.).

Педагогик мулоқотнинг муваффақиятли бўлишида офицернинг коммуникатив маданияти муҳим ўрин эгаллайди.

Педагог коммуникатив маданиятга эришиш учун қуйидагиларга аҳамият бериши лозим:

- бўйсунувчини ҳурмат ва диққат билан тинглаш маданияти;
- ўзига қизиқарли бўлмаса ҳам уни диққат билан тинглаш;
- бўйсунувчи зерикаётганлигини сезиб, мавзунини бошқа қизиқарли томонга буриб юбориш;
- суҳбатлашишдан аввал бўйсунувчининг кайфиятини кўтаришга ҳаракат қилиш;
- умумҳарбий низомлар талабларига мос келадиган мулоқот маданиятини ўзлаштиришни таъминлаш каби мақсадлар қўйилади.

Офицернинг коммуникатив кўникмаси педагогик фаолиятдаги мулоқотда муҳим рол ўйнайди. Коммуникатив кўникма қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

1. Кишилар билан мулоқотда бўлиш кўникмаси.
2. Бўйсунувчилар билан биргаликдаги фаолиятни самарали ташкиллаштириш кўникмаси.
3. Мақсадга йўналтирилган мулоқотни ташкиллаштириш ва бошқара олиш кўникмаси.

Барча амалга ошириладиган мулоқот акти англашилган бўлади. Шу ҳолатдан келиб чиқиб, педагог ва бўйсунувчи ўртасидаги ўзаро муносабат тизимида алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган томонлар мавжуд:

- а) мақсад йўналишини белгилаш;
- б) ҳатти-ҳаракатлардан кейинги ҳаракатни кўра билиш;
- в) мақсадни олдиндан билиш ва бошқа кишилар мақсадига нисбатан мувофиқликда бўлишини таъминлаш;
- г) ўз эҳтиёжларини назорат қила олишлари, лозим бўлганда уларнинг кондирилиши вақтини кейинга сура олишлик маҳорати ва бошқалар.

Инсонлар ўртасидаги мулоқот жараёнида ҳар бир нарсани эътиборга олиш керак экан, демак томонларнинг бир-бирларини тушунишларига эришиш лозим. Педагогдаги мавжуд самимийлик, бўйсунувчи ҳурматини ва меҳрини қозона олишлик эса унинг шахсий ҳаёт тушунчалари билан боғлиқ бўлади.

Таълим-тарбия жараёни самарадорлигини таъминлашда кундалик ҳаётда ҳам педагог ўз бўйсунувчилари билан бўладиган муносабатларда

мулоқотнинг психологик хусусиятларини ёдда сақлаши ва уни амалга ошириш техникасига риоя қилиши лозим. Офицер-педагог ўз бўйсунувчиларига таълим ва тарбия берар экан, албатта у раҳбар, бошлиқ вазифасини бажаради. Раҳбарлик вазифасини бажаришда унда педагогик маҳорат, муомала малакалари ва ўз касбига хос билим, кўникма ва малакалар шаклланган бўлиши керак.

Маълумки, мулоқотнинг мақсади ва қай даражада амалга оширилишига кўра унинг самарадорлиги ҳақида фикр юритиш мумкин. Яъни мулоқот эҳтиёжларидан келиб чиқиб унинг қондирилиши, муаммо ечими билан боғлиқ вазифаларнинг бажарилишига асосланиб, мулоқотнинг самарали ёки самарасизлиги тўғрисида хулоса чиқарса бўлади. Шахслараро муносабат мулоқотга киришувчиларнинг ўзаро бир-бирларини тушунишга олиб келса, бундай ўзаро муносабатлар самарали ва фойдали ҳисобланади.

Муомалага киришувчи томонларнинг ўзаро бир-бирларини тушунишга олиб келувчи йўл ёки маром ўз навбатида ўша шахсларнинг ўзаро бир-бирларини мавқе бўйича билишни таъминлайди.

Хуллас, нутқсиз коммуникацияни амалга ошириш учун турли хил ёш, касб гуруҳларида турлича воситалар танланади. Нутқсиз коммуникацияда қўлланилаётган воситаларнинг ахборотни сўз билан етказиш мақсадларига ва мазмунига мувофиқлиги муносабат маданиятининг таркибий қисмларидан ҳисобланади. Бундай мувофиқлик ҳам оғзаки ва ҳам нутқсиз коммуникация воситалари касб фаолиятининг қуроли ҳисобланган педагог учун жуда муҳимдир.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Саидов У. Бошқарув ва нотиклик санъати. // Ўқув қўлланма. – Т.: Гафур.
2. Ғулом, 2011. –176 б.
3. Сатиб-Алдиев А., Каримжонов А. Ҳарбий педагогика. – Т.: Шарқ, 2005. – 256 б.
4. Сергеев И.С. Основы педагогической деятельности. – Санкт-Петербург: Питер, 2004. – 316 стр.
5. Столяренко Л. Педагогическая психология. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2003.